

Хадича онамизнинг вафотидан кейин ҳам Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини унутмадилар



11:38 / 16.11.2024 2645

Хадича онамиз вафот этганидан кейин ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг у кишига бўлган муҳаббатлари сўнмади. Агар Хадича онамизнинг қариндошларидан бирор киши у зотнинг олдилариға келса, ҳол-аҳвол сўраб, унга ғамхўрлик қиласидилар. Хадича онамизнинг энг қийин дамларда у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга кўрсатган катта ёрдамларини ҳар доим зикр қиласидилар. Баъзан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадича онамиз ҳақида яхши гапларни гапирсалар, Оиша онамиз рашқ қилган пайтлари ҳам бўларди. Оиша розияллоҳу анҳонинг ривоят қилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадича онамизни эсга олсалар, уни мақтаб, ҳаққига истиғфор айтишдан чарчамас эдилар.

Бир куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадича онамизнинг меҳрибонлиги ҳақида гапириб қолдилар. Оиша онамиз ҳам ўша ерда эди. У киши ўзларини тута олмай: «Доим Хадича ҳақида гапирасиз. Лекин Аллоҳ сизга ўша кекса кампирнинг ўрнига ёшроқ ва гўзалроқ аёлларни берди», дедилар. Бу гапдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қаттиқ ғазабланганларини кўрган Оиша розияллоҳу анҳо пушаймон бўлиб, ўзига-ўзи: «Ё Роббим! Расуулингни ғазаби босилсин, мен бундан кейин Хадичани ёмонлик билан тилга олмайман», дедилар. Пайғамбаримиз

соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамизнинг аҳволини кўриб:

«Йўқ, Аллоҳ менга ундан яхшисини бермади. Аллоҳга қасамки, ҳамма куфрда бўлган бир пайтда у менга иймон келтирди. Ҳамма мени инкор қилган пайтда мени тасдиқлади. Аллоҳ таоло ундан менга фарзандлар ато этди», дедилар. Шундан сўнг Оиша онамиздаги Хадича онамизга нисбатан рашк ҳисси бутунлай йўқолди. Оиша розияллоҳу анҳо айтган гапларидан хижолат бўлиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизни пайғамбар қилиб юборган Аллоҳга қасамки, бундан буён Хадича ҳақидаги хотираларингизни бизга айтиб беришингизни хоҳлайман», дея Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўнгилларини олдилар.

«Миллионер саҳобалар» китобидан

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 26 марта 03-07/1613-сонли холосаси асосида тайёрланди.